ҚҚАССР 60

*Қорақалпоғистон АССР ва область партия ташкилотининг 60 йиллигига*



Совет Иттифоқи Қаҳрамонининг Олтин юлдузи орадан кўп йиллар ўтгач ўз эгасини топди. Элликқалъа районидаги «Октябрь 60 йиллиги» колхозининг кекса аъзоси Ўринбой Абдуллаев эндиликда уни фахр билан тақиб юрибди.

Латвиянинг Рундана қишлоғида қардошлик қабристони бор. Шу орадаги 144,0 тепалик учун 1944 йилнинг ёзида бўлган жангда 11 совет разведкачиси кўрсатган жасорат шарафига бу ерга ёдгорлик ўрнатилган. Унга 11 совет разведкачисининг табаррук номи ёзиб қўйилган. Улар орасида Ўринбой Абдуллаевнинг номини ҳам ўқиш мумкин.

— Ўша жангда мен оғир яраланиб, хушсиз ҳолда фрицлар қўлига асир тушиб қолдим, — деб эслайди Ўринбой Абдуллаев. — Тепалик учун бўлган жанг қатнашчиларининг ҳаммаси Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланган экан. Буни орадан анча йиллар ўтгач эшитдим. Сержант Пётр Сироежкин, оддий аскарлар Василий Андронов, Михаил Шукураков, Фёдор Ашмаров, Матвей Чернов, Яков Шакиров, Тўқумбой Тойқораев, ефрейтор Чўтоқ Ўрозов, радист Зина Кувалдина, катта сержант Ҳаким Аҳметгалинларнинг порлоқ хотираси ҳамиша қалбим тўрида.

Суратда: Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ўринбой Абдуллаев.

В. Занько фотоси. (ЎзТАГ).

# ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

ЎРТА ОСИЁДА миллий чегараланишнинг ўтказилиши, Ўрта Осиё халқларининг социалистик давлатлари барпо этилганлиги ленинча миллий сиёсатнинг мислсиз тантанаси бўлди. Ишчилар, деҳқонлар, меҳнаткаш зиёлилар Коммунистик партиянинг бу йўлини қизғин маъқуллаб, қўллаб-қувватладилар, барча жабҳаларда социалистик қурилиш ишлари авж олдириб юборилди. Қорақалпоғистон автоном областининг ташкил этилиши ўлкада ишлаб чиқаришни ривожлантиришни, меҳнаткашларнинг кенг қатламларини давлатни бошқаришга жалб этишни кучайтирди, халқлар дўстлигини мустаҳкамлади. Бу дўстлик ер-сув ислоҳотини ўтказиш, индустрлаштириш, коллективлаштириш ва маданий революцияни амалга ошириш даврида чиниқиб, тобора мустаҳкамланиб борди.

Социал-иқтисодий соҳадаги ютуқлар 1932 йил мартида Қорақалпоғистон автоном области Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасига айлантирилишига олиб келди. 1936 йил декабрида СССРнинг янги Конституциясига биноан Автоном республика Ўзбекистон ССР составига киритилди.

Ўлкамиз Улуғ Октябрь социалистик революциясигача қандай қиёфада эди? Қисқача қилиб айтганда революциягача бўлган Қорақалпоғистон чор Россиясининг энг қолоқ чекка ўлкаларидан бири ҳисобланарди. Амударёнинг қуйи оқимида яшовчи меҳнаткашлар маҳаллий бойлар, Хива хонлари ва чор амалдорлари томонидан оғир зулмга маҳкум этилгандилар. Қашшоқлик, очлик, ҳуқуқсизлик саводсизлик ва маданиятсизлик, азоб-уқубатлар ва кўз ёшлари — чоризм ва хонлик чоғи қорақалпоқларининг қисмати ана шундай эди.

Эндиликда буларнинг ҳаммаси тарих бўлиб қолди. Улуғ Октябрь қуёши остида меҳнаткаш қорақалпоқ халқининг асрий орзу-умидлари рўёбга чиқди. Улуғ Октябрнинг ғалабаси ўзбек ва қорақалпоқ халқларини социал тараққиётнинг катта йўлига олиб чиқди, туб иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгартишлар учун шарт-шароитлар яратди. Бироқ бу тарихий ўзгартишлар йўли осонлик билан босиб ўтилмади. Янги ҳаёт курашчиларининг мураккаб шароитларда иш олиб боришларига тўғри келди. Иқтисодий ва социал тараққиётнинг барча босқичларида Қорақалпоғистон АССР мамлакатимизнинг барча халқлари, аввало улуғ рус халқи ва қардош ўзбек халқидан беминнат ёрдам олиб турди. 1933 йилдан бошлаб Москва шаҳрининг Дзержинский райони ўлкани ўз оталиғига олиб, экономикани, маданиятни ривожлантиришга, ишчи кадрлар тайёрлашга жуда катта ёрдам кўрсатди.

Совет Қорақалпоғистонининг олтмиш йиллик тарихи янги-янги чўққилар сари муттасил кўтарилиб боришдан иборат бўлди. Ўтган йиллар мобайнида Автоном республикамиз халқ хўжалигининг барча тармоқлари бир маромда ва планли ривожланиб борди. 1924 йилга қараганда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 258 баробар ўсди. Бугунги кунда Автоном республикамиз саноати 1924 йил мобайнида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотни бор-йўғи икки кундагина тайёрлашга эришмоқда.

АВТОНОМ РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ҳозирги қиёфасини улкан қурилиш майдонига ўхшатиш мумкин. Халқ хўжалигига капитал маблағлар сарфлаш ғоят кенг кўламларда олиб борилмоқда. Бу маблағлар муттасил кўпайиб бораётганлиги ҳам диққатга сазовордир. Автоном республиканинг пойтахти Нукус, бошқа шаҳарлар ва районларнинг марказларида пишиқ, мухташам бинолар қурилмоқда. Совет шаҳар қурилиши ютуқлари, ўзбек ва қорақалпоқ миллий меъморчилигининг анъаналари бу қурилишларда мужассамлашгандир.

Колхоз қурилишининг ғалабаси, қишлоқда янги ишлаб чиқариш муносабатларининг шакллантирилиши ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш — қишлоқ хўжалигини техника жиҳатидан тубдан қайта қуроллантириш, экин майдонларини кенгайтириш, ҳосилдорликни ошириш, қорамолларнинг бош сони ва маҳсулдорлигини ўстириш учун кенг йўл очди. Бугунги Қорақалпоғистон чин маънода «оқ олтин» ўлкаси, «қирмизи дон» ўлкаси, эл дастурхонига кўп миқдорда гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етказиб бераётган ўлкага айланди. Миллий чегараланиш ўтказилган йили бу ўлкада бор-йўғи 11 минг тонна пахта етиштирилган эди. Ҳозирги пайтда эса ҳар йили Автоном республикамиз она-Ватан хирмонларига 400 минг тоннадан ошириб «оқ олтин» уймоқда.

Шоли етиштириш халқ хўжалигимизнинг етакчи тармоғига айланиб бормоқда. Унинг ялпи ҳосили ва ҳосилдорлиги йил сайин кўпаймоқда. Мамлакат ҳар йили ўлкамиз етиштирган 280—290 минг тонна шолини қабул қилиб олмоқда. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам жадал ривожланиб бораётир.

МАДАНИЙ революциянинг амалга оширилиши туфайли қорақалпоқ халқи мисли кўрилмаган маънавий камолот босқичига кўтарилди. Социалистик тузум халқ маорифи, адабиёт, санъат ва фанни ривожлантириш учун кенг имкониятлар очди. Ёппасига саводсиз ўлка қисқа муддатда саводхон социалистик Автоном республикага айлантирилди. Умумий ўрта таълимга ўтилиши Коммунистик партия раҳбарлигида бу соҳада амалга оширилаётган ишларнинг жуда катта гултожи бўлди. Ҳозир шаҳар ва қишлоқларимиздаги 856 мактабда 17 мингдан зиёд ўқитувчи 375 мингдан кўпроқ болага таълим-тарбия бермоқда. 45 мингга яқин кичкинтой мактабгача тарбия муассасаларига жалб қилинган. Автоном республикада 25 техникум, 41 ҳунар-техника билим юрти ёшларга касб-кор ўргатмоқда. Нукус давлат университети кадрлар тайёрлашнинг йирик марказига айланди.

Юксак малакали мутахассислар тайёрлашнинг авж олдирилиши фан ва техника янада ривожлантирилишига хизмат қилмоқда. 1959 йилдан буён Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиалида фан ва техниканинг турли соҳалари бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилаётир. Кейинги йилларнинг ўзида бир қатор илмий-текшириш муассасалари ташкил этилди. Ҳозир Автоном республикада 16 фан доктори ва 380 фан кандидати самарали иш олиб бораётир.

Социалистик реализм принциплари асосида адабиёт ва санъат жадал ривожланиб бораётир. Қардош халқлар адабиёти билан тобора мустаҳкамланиб бораётган алоқа унинг характерли хусусиятидир. Меҳнаткашларни коммунистик қурилиш вазифаларини бажаришга сафарбар этишда, уларни марксизм-ленинизм ғоялари руҳида тарбиялашда матбуот катта роль ўйнамоқда. Ҳозирги пайтда Автоном республикада 22 газета ва 3 журнал нашр этилаётир. «Қорақалпоғистон» Давлат нашриёти ҳар йили умумий тиражи 2 миллион нусхадан ошадиган 200 дан кўпроқ номда китоб чоп этаётир.

Ленин партиясининг ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса унинг бахт-саодати учун деган программ қоидаси изчил ва оғишмай амалга оширилаётганлигининг натижалари Қорақалпоғистон АССР мисолида яққол ва ишонтирарли намоён бўлмоқда. Меҳнаткашларнинг иш ҳақи ва турмуш фаровонлиги йил сайин ошиб бормоқда. Ишчи ва хизматчиларни, меҳнаткашларнинг бошқа қатламлари вакилларини пенсия билан таъминлашни янада яхшилаш юзасидан тадбирлар амалга оширилаётганлиги, халқ соғлиғини сақлаш соҳасида йирик чоралар кўрилаётганлиги бунинг яққол далилидир. Октябрь революциясигача Қорақалпоғистонда аслини олганда меҳнаткашларнинг саломатлигини сақлаш иши мутлақо йўлга қўйилмаган эди. Эндиликда у социализмнинг энг муҳим социал муваффақиятига айланди. Революциядан илгари иккитагина врач ва уч фельдшер хизмат қилган мўъжазгина шифохонага эга бўлган ўлкада бугунги кунда икки ярим мингдан зиёд врач ва 19 минг ўрта медицина ходими халқ соғлиғини сақлаш жабҳасида қизғин иш олиб бормоқда.

Олтмиш йил тарих учун ғоят қисқа муддат. Бироқ мана шу вақт ичида социалистик тузум афзалликлари, ленинча миллий сиёсат оғишмай амалга оширилганлиги туфайли Қорақалпоғистон экономика ва маданиятни ривожлантириш борасида катта-катта муваффақиятларга эришди. Ватан бу муваффақиятларни муносиб баҳолади. Қорақалпоғистон АССР Ленин, Октябрь революцияси, Халқлар Дўстлиги орденлари билан тақдирлангандир. Автоном республиканинг тарихий ютуқлари Ўзбекистон Компартияси жанговар отряди — Қорақалпоғистон область партия ташкилоти серқирра фаолиятининг самарасидир. Коммунистлар, барча меҳнаткашлар ўзларининг бутун куч-ғайратлари, билим ва тажрибаларини ўн биринчи беш йиллик планларини барвақт бажаришга қаратиб, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақасини авж олдирган ҳолда Қорақалпоғистон АССР ва Қорақалпоғистон область партия ташкилотининг 60 йиллик юбилейини социал-иқтисодий тараққиётнинг барча йўналишларида янгидан янги ғалабалар билан нишонламоқдалар.

**М. ЮСУПОВ,**
**Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси.**

## ФАКТЛАР... РАҚАМЛАР

◆ Автоном республикада ялпи саноат маҳсулоти 1924 йилдагига нисбатан 258 марта ўсди.

◆ Бугунги кунда энергетика жадал ривожланмоқда. Ўтган йили Қорақалпоғистон АССР нурхоналарида 1876,4 миллион киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилинди.

◆ 1913 йили бу ўлкада 16 минг тонна пахта етиштирилган эди. Ҳосилдорлик 13,9 центнерни ташкил этганди. 1983 йили Қорақалпоғистон пахтакорлари она-Ватан хирмонларига 435 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» уюшди.

◆ Автоном республика мамлакатнинг йирик шоликорлик базасига айланмоқда. 1965 йили 13,6 минг гектарни ташкил этган шолипоялар кенгайтирилиб, ҳозир бу экин 77 минг гектардан зиёд ерга экилмоқда. Шолининг ялпи ҳосили 280-290 минг тоннага етказилаётир.

◆ Автоном республикада ўн биринчи беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида 1529 минг квадрат-метр уй-жой қурилиб фойдаланишга топширилди.

# УЛУҒ РУС ХАЛҚИГА ОЛҚИШ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ўлкасида Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, ёш Советлар мамлакатининг мустаҳкамланиб, экономикаси ривож топиб бориши халқимизга ғоят катта бахт олиб келди, ёрқин келажак йўлини очди. Биз бугунги кунимиз учун улуғ рус халқининг мард революционерлари, азамат ишчилари ва деҳқонларига миннатдорчилик билдирамиз. Ўрта Осиёда, шунингдек, ўлкамизда мисли кўрилмаган социал-иқтисодий ўзгартишлар бизнинг кўз ўнгимизда амалга оширилди. Биз бу улкан ишда фаол иштирок этганлигимиз билан бахтиёрмиз. Ленин гвардиясининг яловбардорлари И. К. Кондратенко, В. С. Скворцов, В. Е. Крошилов, А. А. Москалов, Д. Д. Головяшкин, А. И. Качанов, В. Луценко, А. А. Смирнов, Н. Долгов, В. Городецкий, К. Вершигоров, А. Доричев, И. И. Босий. Н. И. Бринкман, Ф. Белов ва бошқаларнинг янги ҳаёт учун курашда кўрсатган жасоратлари ҳамиша ёдимизда сақланади. Октябрь ғояларини ўлкамизда ҳам рўёбга чиқариш учун курашга улар ўз билимларини, куч-ғайратларини аямай хизмат қилишди.

1918 йилнинг 24 декабрида ҳозирги Тўрткул шаҳрида коммунистларнинг биринчи йиғилиши ўтказилди. Шаҳар партия ташкилотига асос солинди. В. Е. Крошилов, В. В. Фролов, И. Н. Касаяненко сингари большевиклар ўлкада Октябрь ғояларини пропаганда қилиш, оммани янги ҳаёт учун курашга сафарбар этишда алоҳида фидокорлик кўрсатишди. Шаҳар партия ташкилоти маҳаллий аҳолининг инқилобий курашга отланган илғор намояндаларини партия сафига қабул қилишга алоҳида эътибор берди. Аллиёр Дўстназаров, Иброҳим Бекимбетов, Абу Қудабоев, Алланиёз Айтишов, Дўстимбет Қурбонбоев сингари коммунистлар Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун курашда фаол қатнашдилар.

Қорақалпоқ ва рус халқларининг дўстлиги, ўзаро алоқалари бошланганига бир асрдан ошди. Совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг бу дўстлик ўзининг янги жилолари билан намоён бўлди, янада мустаҳкамланди. Биз улуғ рус тилини иккинчи она тилимиз деб ҳисоблаймиз, уни ҳар биримиз қунт билан, алоҳида эътиқод билан ўрганамиз. Навқирон авлодларимиз бу тилни мукаммал эгаллаб олмоқда. Интернационализм руҳида тарбия топган ёшларимиз мамлакат экономикасини мустаҳкамлашга, она-Ватанимизнинг мудофаа қудратини оширишга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Биз нимагаки эришган бўлсак, ҳаммаси учун, ҳозирги тинч осмонимиз, ёруғ кунимиз, фаровон турмушимиз учун улуғ рус халқидан абадул-абад миннатдормиз.

**Ж. СЕИТОВА, М. БЕРДИМБЕТОВ, Қ. АБДИРЕИМОВ, Р. ХУДАЙБЕРГЕНОВ, М. МАҲМУДОВ, С. БЕКНАЗАРОВ партия ветеранлари.**

*Изланиш уфқлари*

# АЛИФБЕДАН ФАН ЧЎҚҚИЛАРИГАЧА

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан илгари Қорақалпоғистон аҳолисининг атиги 0,2 проценти саводли эди. Маҳаллий халқ орасида биронта ҳам олий маълумотли киши йўқ эди. Одамлар илм-фани эгаллаш ҳақида ҳатто орзу ҳам қилмасдилар. Қорақалпоғистон халқи тарихидаги биринчи алифбе 1925 йили чоп этилди. Бугун Қорақалпоғистон — халқ хўжалиги ва маданиятнинг барча жабҳаларида ўн минглаб олий маълумотли мутахассислар ишлаётган ёппасига саводхон республикадир. Қорақалпоғистон АССРнинг илмий муассасаларида 700 дан ортиқ олим илмий изланишлар олиб бормоқда.

Қорақалпоғистонда илмий муассасаларга асос солинишида Ленин партияси ва Совет ҳукумати юборган рус олимлари катта ташкилотчилик ишлари олиб боришди. Биз автоном республикада маданий революцияни амалга ошириш учун ўз составида Қорақалпоқ комиссияси ташкил этган СССР Фанлар академияси президиумининг улкан ёрдамини зўр эҳтиром билан эсга оламиз.

1931 йили Тўрткўл шаҳрида С. Е. Малов, И. П. Иванов, С. П. Толстов, Н. А. Баскаков ва бошқа рус олимлари ёрдамида биринчи илмий муассаса — Қорақалпоғистон комплекс илмий-текшириш институти ташкил этилди, Москва, Тошкент ва бошқа шаҳарларнинг олий ўқув юртлари 1920—1930 йилларда автоном республика учун олий маълумотли кадрлар тайёрлаб бера бошлади.

1935 йили Қорақалпоғистонда биринчи олий ўқув юрти — ўқитувчилар институти, сўнгра 1944 йили педагогика институти очилиши билан Автоном республикада олий маълумотли кадрлар тайёрлаш планли равишда олиб борила бошланди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Автоном республикага доимо ёрдам бериб келмоқда. Улуғ Ватан уруши тугаши биланоқ Нукус шаҳрида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг кўчма сессияси ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистонда фанни ривожлантиришнинг истиқболлари белгилаб олинди. 1947 йили кейинчалик Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоқ экономика ва маданият илмий-текшириш институти деб номланган тил ва адабиёт илмий текшириш институти академия составига кирди. 1958 йили Чимбой шаҳрида Фанлар академияси олимларининг катта ёрдами билан иккинчи илмий муассаса —деҳқончилик институти ташкил этилди.

1959 йили Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалининг ташкил этилиши Автоном республика ҳаётида муҳим роль ўйнади. Мана, йигирма беш йилдирки, филиал докторлар ва фан кандидатлари тайёрлаб беряпти.

Қорақалпоғистон Давлат педагогика институтининг Нукус давлат университетига айлантирилиши илмий ходимлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этди, фаннинг барча соҳалари бўйича бўлажак олимлар тайёрлашнинг кенг имкониятлари очилди.

Эндиликда илмий изланишлар филиалнинг учта институтидан ташқари, Нукус университети, Чимбой деҳқончилик институти ва Ўзбекистон тармоқ илмий-текшириш муассасаларининг автоном республикадаги саккиз филиал ва бўлимларида муваффақиятли олиб борилмоқда. Илмий изланишлар билан 400 дан ортиқ фан докторлари, фан кандидатлари ва бошқа илмий ходимлар шуғулланишмоқда. Улар Москва, Ленинград, Тошкент, Олмаота ва бошқа шаҳарлардаги илмий муассасалар билан яқин ҳамкорликда ижод қилишяпти. Бугунги кунда Автоном республика олимлари Қорақалпоғистонда кадрларни тайёрлаш, илмий муассасалар ташкил этишда дўстона ёрдам кўрсатган В. Г. Никольский, О. С. Содиқов, И. М. Мўминов, А. М. Музаффаров, М. Н. Набиев, Ж. Қ. Саидов, С. Қ. Кенисбоев ва бошқа машҳур олимларнинг номларини фахр билан тилга оладилар.

Республика тарихчилари ва адабиётчилари ижтимоий фанларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Автоном республикада тарих, тил ва адабиёт фанлари соҳасида қатор фундаментал ишлар қилинди. Жумладан, «Қорақалпоғистон АССРнинг энг қадимий замонлардан ҳозирги кунгача бўлган тарихи» икки томлиги, «Қорақалпоғистон совет адабиёти тарихи», «Қорақалпоқча-русча» ва «Русча — қорақалпоқча луғат»лар нашр этилди. «Қорақалпоғистон тили изоҳли луғати» ва «Қорақалпоғистон фольклори» кўп томлиги ҳамда Қорақалпоғистон Олий ўқув юртлари ва мактаблари учун кўплаб дарсликлар чоп этилмоқда.

Шуниси қувончлики, ижтимоий фанларни ривожлантириш билан биргаликда Қорақалпоғистон олимлари республика халқ хўжалигини ривожлантиришга ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Кейинги уч йил мобайнида улар томонидан халқ хўжалигига йилига 12 миллион сўмдан зиёд иқтисодий самара берадиган илмий ечимлар жорий этилди. Олимлар яйловларнинг маҳсулдорлигини ошириш, янги ерларни ўзлаштириш борасида қатор муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиб бермоқдалар.

КПСС Марказий Комитети қарорлари ва партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларида Автоном республика олимлари олдига ҳам қатор муҳим вазифалар қўйилган. Ижтимоий фанларни янада ривожлантириш билан бир қаторда регион даги ишлаб чиқариш кучларини илмий асосда ўстириш борасида олиб борилаётган ишларимизни янада кенг авж олдириш зарур. Республика олимлари партия ва ҳукуматимиз томонидан қўйилган вазифаларни бажариш учун бутун куч ва имкониятлари, билим ва маҳоратларини ишга солаверадилар.

**С. КАМОЛОВ.**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали Президиумининг раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академиги.**



Нукус авторемонт заводининг тажрибали токари А. Ҳайруллин (ўртада) ўз шогирдлари, комсомол аъзолари Михаил Круглов ва Михаил Целанов билан.

М. Елеусинов фотоси. (ЎзТАГ).

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ АМАЛДА

# СОВҒАМИЗ

Совхозимиз меҳнаткашлари СССР Озиқ-овқат программасини бажариш учун умумхалқ курашиға салмоқли ҳисса қўшиб, Автоном республикамизнинг шонли юбилейини муносиб нишонламоқдалар. Биз партия кўрсатмаларини амалга ошира бориб, шаҳар аҳолисини сабзавот, қовун-тарвуз, картошка билан таъминлаш учун барча резерв ва имкониятлардан самарали фойдаланишга интилмоқдамиз. Сўнгги йилларда хўжалигимизда ялпи сабзавот ҳосили анча кўпайди, ҳосилдорлик ошди.

Юксалиш жараёни рақамларда ёрқин кўзга ташланади. 1970 йили хўжалигимизда бор-йўғи 3800 тонна сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилган эди. Тўққизинчи беш йилликнинг охирига келиб, сабзавотнинг ялпи ҳосили 3500 тоннага, қовун-тарвуз 2000 тоннага етди. Ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида, Автоном республикамизнинг шонли юбилейи тантанали нишонланаётган йилда биз эл дастурхонига деярли 9 минг тонна сабзавот, 4,5 минг тонна қовун-тарвуз, 505 тонна картошка етказиб бердик.

Совхозимиз коммунистлари, барча сабзавоткорлари шу кунларда келгуси йил мўл ҳосилига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Экин майдонларининг деярли ҳаммасида шўр ювиш ўтказилди. Парник хўжалигида кўчат тайёрлаш қизитиб юборилди. Биз бутун чораларни кўриб, эртаки экинлар ҳосилини ҳар йилгидан 13—15 кун барвақтроқ етилтириш учун курашаётирмиз.

**Йўлдош САПАШОВ,**
**Нукус районидаги «Нукус» совхозининг бўлим бошқарувчиси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори.**

Совет ҳокимияти йилларида ўлкамиз қиёфаси ғоят тез ўзгарди. Партия доҳиймиз В. И. Лениннинг васиятини рўёбга чиқара бориб, Қорақалпоғистонда ирригация ва мелиорация ишларининг жуда катта программасини амалга оширишга киришди.

*Умумхалқ жасорати*

# МИҚЁСНИ КЕНГ ОЛИБ

1939 йилни ҳали-ҳали унутолмайман. Ўша йили минг-минглаб кишилар партия ташкилотларининг: «Ҳамма канал қурилишига!» шиорига «лаббай» деб жавоб беришди. Улар «Телба Жайхунни жиловлаймиз!», Жайхун сувини Қўнғирот далаларига оқизамиз!» шиорлари остида умумхалқ ҳашарига отланишди. Бу мисли кўрилмаган ишга дастлабки кунлирданоқ 50 минг кўнгилли етиб келган эди. Уларни жойлаштириш, иш қуроли, озиқ-овқат, ичимлик сув билан таъминлаш вазифаси жадаллик билан ҳал этилди. Область партия комитети умумхалқ ҳашарининг барча участкаларида стахановчилик ҳаракатини авж олдириб юборди. Шундай ҳам бўлдики, қишнинг аёзли кунларида иш кеча-кундуз тўхтамади. Одамлар яхлаб ётган ерларни қазиб, сувга йўл очишарди.

Бу канал бир ярим ой ичида сув очишга тайёрланди. Шу муносабат билан Хўжайлида митинг бўлди. Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев халқ ҳашарида қатнашган барча қурувчиларни катта ғалаба билан табриклади. Қурилишда алоҳида ўрнак кўрсатган кишиларга ҳукумат мукофотларини топширди.

В. И. Ленин номли бу каналнинг иккинчи навбати 1940 йил кўкламида қурилди. Бу умумхалқ ҳашарида ҳам 40 мингдан зиёд колхозчи иштирок этди. 30 кун ичида 2,5 миллион куб метр тупроқ ишлари бажарилиб, май ойи бошларида бош тўғон ҳам битказилди. Каналга сув очилди. Хўжайли ва Қўнғирот районларининг экинзорлари тобора ҳосилдор бўлиб борди.

Булар ирригация ва мелиорация ишлари жуда катта программасини бажаришга томон қўйилган дастлабки қадамлар эди. Орадан кўп йиллар ўтгач, Хўжайлида машина эксплуатация станцияси ташкил этилди. Кейинчалик Чимбой ва бошқа районларда ҳам мана шундай коллективлар шаклланди. Дастлабки пайтларда экскаваторлар йўқ эди. Кенг профилли механизаторлар етишмасди. 60-йилларнинг бошларида область партия ташкилоти Амударёнинг қуйи оқимида бўш ётган тўқайзорларни ўзлаштириш суръатларини жадаллаштириш вазифасини илгари сурди. Ўлкага кучли экскаваторлар, бульдозерлар, ер текислаш машиналари кела бошлади. Механизатор кадрлар тайёрлаш кенг йўлга қўйилди. Ўзлаштирилаётган массивларда шоликорликка ихтисослаштирилган йирик совхозлар ташкил этила бошланди. Бу ишлар айниқса КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил май Пленумидан кейин жадал тус олди. Айтайлик, 1960 йилгача мелиорациялаш ишлари суст олиб борилган бўлса, эндиликда бу тадбирларни амалга оширишга катта-катта маблағлар ажратила бошланди.

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко ерларни мелиорациялашнинг аҳамиятига алоҳида тўхталди. Ҳозир бизнинг Автоном республикамизда бу ишни замонавий техника билан қуролланган кўпминг кишилик коллектив — «Каракалпакирсовхозстрой» ва бошқа катта-кичик ташкилотлар амалга оширмоқда. Янги-янги суғориш иншоотларини барпо этиш билан бир пайтда асосий эътибор экин майдонларининг захини қочириш, шўрдан тозалаш ишларига қаратилмоқда. 1966 йили Автоном республикамизда 2194 километр узунликдаги коллектор тармоғи мавжуд эди. Кейинги пайтда ерларнинг захини қочириш учун тик дренаж ўтказиш тажрибасидан кенг фойдаланилмоқда. Йирик магистрал ва хўжаликлараро коллекторлар барпо этилди. Уларнинг жами қуввати ғоят оширилиб, эндиликда секундига 121,4 кубометр сув ўтказа олади. Ҳар йили республикамиз суғориладиган ерларидан ташқарига 2,5—3 миллиард кубометр оқава сув чиқариб ташланмоқда.

Партия ва хўжалик органлари ирригация иншоотлари, коллекторларни тозалашга катта эътибор бермоқдалар. Ҳар йили хўжаликлараро коллекторларнинг ўзида 5—6 миллион кубометр ҳажмида тупроқ ишлари бажарилаётир. Айни пайтда гидротехника иншоотларини созлаш ишларига ҳам кўп куч ва маблағ сарфланмоқда. Бу ўзини оқлаётир. Мамлакат озиқ-овқат фондига Автоном республика шоликорлари қўшаётган ҳисса йил сайин кўпайиб бормоқда. Пахтакорларимиз мўл ва сифатли «оқ олтин» етиштираётирлар.

**С. БАРОҚОВ,**
**«Каракалпакирсовхозстрой» территориал бошқармасининг бош мелиоратори, Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган ирригатор.**

60

ҚҚАССР 60

*Қорақалпоғистон АССР ва область партия ташкилотининг 60 йиллигига*



Суратда: Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг депутати Омонгул Хўжалепесова.

Р. Саидов фотоси.

*ЙИЛЛАР ВА ОДАМЛАР*

# ВОРИСЛИК

РИВОЯТ: «Қадим-қадимларда гуллабяшнаган, халқи тўқ ва тинч бир ўлка бўлган экан. Овуллар обод, яйлов чорва молларига тўла экан. Ёвуз кучлар ҳарна уринсин, эл-юрт осойишталигини буза олмай, ўз ёғида қовуриларкан. Куч билан, тадбир билан қора ниятлари рўё бўлавермагач, улар ҳийла ишлатмоқчи бўлишипти. Ёвуз сеҳргарни ишга солишипти.

Тун кечада, ҳамма ғафлат уйқусида ётганида сеҳргар Жайхунни тошириптн. Сув даҳшатли гувуллаб, овулларни босипти. Уйларни вайрон қилиб, бола-чақаларни, молларни оқизипти. Одамлар жон ҳолатда: «Қораўзак, Қораўзак» — деб қичқиришармишу, бу беомон тошқиндан қутулишга уринишармиш...

Шундай қилиб, обод бир юрт сув остида қолибди. Омон қолганлар уни тарк этишипти. Бутун бир ўлка ҳувиллаб, тўқайзорга айланипти. Шу-шу бу атрофлар халқ орасида Қораўзак — замини қора, асли қора деган ном олипти...»

— Бу бир ривоят, ахир, — Қораўзак район партия комитетининг биринчи секретари, Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг депутати Султон Каньязов узун столни айланиб ўтиб, дераза ёнига борди, райком биноси олдидаги кенг гулзорга бир фурсат тикилиб қолди. — Лекин, Жайхун ўлкамиз халқи бошига не-не уқубатлар, қора кунлар солгани маълум. Сўнгги қирқ йил ичида район маркази уч марта қайта қурилди. Қораўзакни 1947 йили охирги марта сув босди. Орада ўттиз йилча ўтгач, бу атрофлар яна обод бўлди, энди Жайхун ҳам ховуридан тушиб қолди, — кулимсирайди Каньязов. — Уруш йиллари район марказини янгидан барпо этиб, унга Шаҳрамон деб ном беришганди. Яхши ният билан, омонлик шаҳри бўлсин деб шундай қилишганди. Лекин уни ҳам сув олди. Эндиликда яхши-яхши ниятларни рўёбга чиқариш учун кучимиз етади, у пайтларда ҳали ожиз эдик табиат офати қаршисида...

Қораўзак райони хўжаликларини шоли гулга кирган кезлари айланиб чиқкандик. Ҳаммаёқда пушти қанот капалаклар учиб юргангa ўхшарди. «Қораўзак» совхозида партия комитетининг секретари Давлатмурод Ўрозбоев бизни Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Омонгул Хўжалепесова билан таништирди, бу фидокор қиз ўз звеносида рекорд ҳосил кўтарганлигини алоҳида таъкидлади. Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг депутати Октябрь Революцияси ва «Ҳурмат Белгиси» орденлари нишондори Хўжалепесова эндиликда йирик бригадага етакчилик қилмоқда.

ҲИКОЯТ: «Бригадамизда олтмиш центнердан ошириб ҳосил етиштирилишига ишонмайсизми? Қорақалпоқ қўриғидаги қанчадан қанча совхозларда бу марра аллақачон эгалланган. Бригадамиз йигит-қизлари ҳам шу довонга кўтарилиб, автоном республикамиз юбилейига муносиб совға тайёрлашди.

Энг муҳими, ёшлар шолипояга юз ўгиришаётганидан қувонаман. Кенг далаларда йигит-қизларнинг янгроқ қўшиғи жаранглаб турса, ёшлар қаҳ-қаҳаси бу жимликни бузиб турса. Шуни ўйлаб, «Бир плюс беш», яъни «Ҳар бир комсомол шоликор беш шогирд тайёрласин!» ташаббуси билан чиқдим. Область комсомол комитети бу ташаббусимни маъқуллади. Барча шоликор хўжаликларда шу ҳаракат авж олиб кетди. Мана, кеча ишдан кейин совхоз идорасига, йиғилишга кетаётсам, почтальон бир хат берди. Уни Қўнғиротдан, Чапаев номли совхоз комсомоллари ёзишибди, бу ташаббус туфайли эндиликда юзга яқин йигит-қиз аттестатни олгач, далага, комсомол бригадаларига чиққанини маълум қилишибди. Бундай хатлар тез-тез келиб туради»

— Турдимурод Ўримбетов, Али Эшжонов, Йўлдош Қурбонов, Нормурод Мирзааҳмедов сингари устоз шоликорлар тажрибаси ёшлар учун яхши бир мактаб бўляпти. Омонгул ҳосили йиғиб олинган шолипоя поли устида туриб, олис-олисларга завқ билан тикилади. — Уларнинг сабоғи юқори ҳосил етиштиришимизда қўл келяпти. Ишга муносабати эса шоликорлик касбига меҳрни, садоқатни ўргатяпти.

Совхозда яна бир киши билан бўлган суҳбат бизда унутилмас хотира қолдирди. Мамбетхоли Жарлепесов билан комбайнлар ремонт қилинаётган устахонада учрашдик.

— Шолининг меҳнати илгари ғоят оғир эди, — деди у механизаторларга баъзи топшириқларни бериб, бизга яқинлашаркан, — Нимасини айтай, мана шу комбайнларни бошқариш ҳам анча оғир. Мураккаб машина. Лекин шоликор меҳнатини беқиёс енгиллаштиряпти.

Мамбетхоли ака шолини қўлда ўриб, темиру-харсанг тошларга боғини уриб, дон янчилган кезларни яхши эслайди. Тўқайларни ўзлаштириш, шолипояларни кенгайтириш билан бир пайтда шоликорлик агротехникасини, йиғим-терим технологиясини тубдан қайта қуриш лозим эди. Икки-уч ойлаб шоли янчиб қўли қадоқ бўлган Мамбетхоли совхозга биринчи комбайн келганида қандай бўлмасин уни эгаллаб олишга аҳд қилди. Қисқа муддатда мураккаб комбайнни бошқаришни ўрганиб олди. Шолини машинада ўриб, машинада янчди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор Жарлепесов энди бригада механиги, бутун бошли машина-механизмлар хўжалигининг мутасаддиси. Бригадада йигирма битта турли хил машина бор.

— Бир нарсани кўриб, кўнглим таскин топади, — Мамбетхоли ака рўпарада комбайн моторини ўт олдириб кўраётган ёшгина йигитга тикилиб қолди. — Мана шу Нахапни олинг. Эрта-ю кеч машинаси ёнида уймалашади. Кўриб, завқланасан, киши. Демак, кексайганингда ўрнингни босиб, ишни илгарилатиб кетадиган ўринбосарлар бор. Демак, қорақалпоқ қўриғи ҳали яна ҳам яшнаб кетади, ўз саховатини очаверади.

Ҳа, шоликорларнинг муносиб ворислари етишмоқда. Избосар Фозилов номли мактаб биология ўқитувчиси комсомол аъзоси Рашид Пирназаров ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадасига раҳбарлик қилар, болалар чоғроқ майдонларда шоли етиштиришарди.

— Мактабни ҳам битказаяпсиз, — деди у синф комсомол йиғилишларининг бирида. — Келажакни ҳам жиддий ўйлаб кўриш вақти келди энди.

— Бўлмасам-чи! — чуғурлашишди болалар.

— Хўш, мактабни битказганингиздан кейин нима қилмоқчисиз?

— Бу биз учун жумбоқ эмас, — орқароқда ўтирган бир қиз ўрнидан турди. — Нега ишлаб чиқариш бригадасида бирга ишладик? Мактабни битиргач, тўрт томонга тарқалиб кетиш учунми? Йўқ, албатта. Ҳаммамиз бир бўлиб, комсомол бригадаси тузамиз.

Пирназаровнинг муддаоси эди бу. Кўпдан шуни ўйлаб юрганди. Ўшанда бундан олти-етти йил илгари мактабни битираётган ўқувчилардан комсомол-ёшлар бригадаси тузилди. Болалар «Мактабдан — шоли бригадасига!» деб мурожаат билан чиқишди. Ёшлар шоли агротехникасини, илғор тажрибаларни қунт билан ўрганишди. Ўша 1977 йили 90 гектар ерда 51 центнердан ҳосил етиштиришди. Ҳосилдорлик кейинги йилларда янада ошиб борди.

Шоликорлик совхозларидаги учрашувларимизни райком секретари Султон Каньязов билан суҳбат чоғида якунладик.

ҲИКОЯТ: «Партия ташкилотларида, меҳнат коллективларида бўлиб, кишилар билан учрашганингда, суҳбатлашганингда, даврадаги ҳамсуҳбатларингнинг кўпчилиги ҳали яқингинада, кўксига улуғ Ильич тасвири туширилган «ВЛКСМ» нишонини тақиб юрган, комсомол йиғилишларида тўлқинланиб, узилиб-тутилиб гапирган, лекин ўз фикрини маъқуллата олган кезлари, комсомол-зарбдор отряди билан қор босган пахта даласига қўшиқ айтиб чиққан паллалар лип-лип кўз ўнгимдан ўтади. Бугун шуни ифтихор билан айта оламизки, ёш авлод камолотида комсомол муҳим ўрин тутяпти. У бугун ҳам ёшларни тарбиялашдан иборат партия наказини шараф билан бажармоқда.

Ёш ўқитувчи Рашид Пирназаров бошлиқ ўқувчилар ўшанда бир коллектив бўлиб совхозда қолишга, халқимизга кўплаб «қирмизи дон» етиштириб беришга аҳд қилишди. Бу комсомол-ёшлар бригадасининг довруғи эндиликда бутун Автоном республикада таниқли. Кечаги ўқувчилардан Улбўған Ортиқова энди механизатор, Фотима Баутдинова — сувчи, Уббиниёз Сеитниёзов, Узоқбой Боқиев — механизатор.

Бундай ёшлар районимизда оз эмас. Мана, Маржонгул Шарипованн олайлик. У мактабни 1978 йили битирди. Тенгдошлари, дугоналарига: «Келинг, комбайнчи бўлайлик!» — деб хитоб қилди. Ўзи «Қораўзак» совхозига чиқиб, қишлоқ хўжалик техникалари комплексини мукаммал эгаллаб олди. «Шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланди. Коммунистлар ташаббускор механизатор қизни КПСС аъзолигига қабул қилишди».

Қораўзак яқин келажакда автоном республиканинг шоликорликка ихтисослашган йирик районларидан бирига айланади. Ҳозир Ш. Рашидов номли ва «Қораўзак» совхозлари «тўла қувват» билан ишлаяпти. Дўстназаров номли совхоз ҳам йил сайин экин ерларини кенгайтириб, ҳосилдорликни кўтармоқда. Хўжаликларни шоли етиштиришга ихтисослаштириш бошланганидан буён ер ўзлаштириш, канал-у зовур очишга 70 миллион сўмдан кўпроқ капитал маблағ сарфланди. Обод посёлкалар қурилди. Уларда боғча-ясли ҳам, клуб-у касалхона ҳам бор. Шоликорлар Ватаннинг зумрад дон хазинасини янада маъмур қилиш учун фидокорлик кўрсатмоқдалар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
Ж. САЪДУЛЛАЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбирлари.

---

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

## ТЕЖАМКОРЛАР

● Попдаги 12-автокорхонанинг уч бригадаси янги — 1985 йилни муддатидан илгари кутиб олди: Рафиқ Усмонов, Набижон Адашев ва Анвар Ҳикматуллаев бошчилигидаги ҳайдовчилар бригадалари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажарди. Ғолиб шоферлар энди Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига зарбдор вахтада туриб ишламоқдалар. Бу коллективларнинг ҳар бири планга қўшимча равишда 3 минг тоннадан халқ хўжалик юкларини ташишни мўлжаллаяпти. Улар партия даъватига жавобан йил охиригача тежаб қолинган ёқилғи ҳисобига икки кун ишлашга аҳд қилишди.

Автохўжаликдаги бошқа бригадалар ҳам илғорлар изидан боришяпти. Пландан ташқари 20 минг тонна юк ташиб берилди.

ҚИШЛОВ — —СИНОВ

## УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

● Советобод районидаги Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли совхозда чорва қишлови намунали ўтказилмоқда. Куз фаслида ғамлаб қўйилган ем-хашак, пичан, туйимли донадор озуқа чорва маҳсулдорлигини оширишга ёрдам бераётир. Чўпон Маҳкам Норқораев чорва қишловида ишни пухта ташкил этди. У ўз қарамоғидаги қўйларини меҳр билан боқаяпти. Унинг издошлари кўп. Улар орасида Отаёр Холбоев ва Яхшибой Унбоевлар бор.

Совхознинг барча отарларида қўйларнинг барчаси яхши сақланмоқда. Ҳар куни отарларга ем-хашак вақтида етказиб бериляпти. Чўпонларга намунали хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Куни кеча совхозда 100 номерли автомат-телефон станцияси ишга туширилди. Эндиликда ҳар бир чўпонлар бригадасида икки километрча нарида телефон аппаратлари ўрнатилган. Улар рация орқали кундалик маълумотларни совхоз маъмуриятига етказиб туришибди.

---

*Агитпункт чироқлари*

1985 йил 24 февраль Ўз ССР Олий Советига ва маҳаллий Советларга САЙЛОВЛАР

## ҲОЗИРЛИК ҚИЗҒИН

Бутун республикамизда бўлгани сингари Сурхондарё областида ҳам Ўзбекистон ССР Олий Советн ва халқ депутатлари Маҳаллий Советларига сайловларга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Маҳаллий Советларга бўлиб ўтган олдинги сайловлардан буён область экономикаси беқиёс ўсди, қишлоқ, посёлка ва шаҳарларнинг қиёфаси ўзгарди, сайловчилар сони ҳам кўпайди. Шунинг учун ҳам, аввалги сайловлардагига нисбатан сайлов округлари сони қишлоқ Советларида 25 тага, посёлка Советларида 5 тага, район Советларида 5 тага, шаҳар Советларида ҳам 5 тага, область Советида 10 тага, республика Олий Советига 1 тага кўпайди ёки ҳаммаси бўлиб 51 та янги сайлов округлари ташкил қилинди.

Партия, совет ва жамоат ташкилотлари сайлов комиссияларида, агитколлективларда, клуб ва лекторийларда сайловолди кампаниясида бевосита иш олиб борадиган ўзларининг юзлаб энг актив вакилларини юбордилар. Область меҳнат коллективлари бўлажак сайловлардан аҳолининг энг оммавий ва демократик раҳбарлик органи бўлмиш маҳаллий Советларга 7000 нафардан ортиқ ўз вакилларини депутатликка номзод қилиб кўрсатадилар.

Сайловолди кампанияси кундан кунга қизғин тус олаётганлиги муносабати билан маҳаллий Советлар ўзларига қарашли территориялардаги халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш, оммавий-сиёсий ва маданий ишларни янада яхшилаш борасидаги режаларни турмушга тадбиқ қилмоқдалар. Ленин йўли, Ангор, Термиз район партия, совет ташкилотлари совет кишиларининг меҳнат шароитини, дам олиши, турмуш маданиятини яхшилаш, аҳолига савдо, медицина ва маиший хизмат кўрсатишдаги нуқсонларни бартараф этиш ҳақида махсус қарорлар қабул қилдилар ва унинг ижросини қаттиқ назорат қилиб боряптилар.

Қумқўрғон, Гагарин ва Жарқўрғон район партия комитетлари ҳозирдаёқ агитколлективлар составини кўриб чиқиб, агитпунктларни жиҳозлаш, сайловчилар клублари, лекторийлар ташкил этиш ишларини авж олдириб юбордилар.

— Термиз шаҳар партия комитети, — дейди суҳбатда шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири Ҳ. Холбоев, — сайловолди оммавий-сиёсий ишларни асосан сайловчилар яшайдиган маҳалла ва хонадонларда ташкил этишга жиддий эътибор бермоқда. Хусусан, ишлаб чиқариш коллективлари билан боғланмаган кишилар ўртасида, сайловларда биринчи марта қатнашадиган ёшлар орасида оммавий-сиёсий тушунтириш ишлари кучайтириб юборилди.

Яқинда Сурхондарё область партия комитети қишлоқ жойлардаги сайловчилар ҳузурига бир группа лекторлар ва сиёсий докладчиларни сафарбар этди. Улар сайловчилар орасида бўлиб, «Халқ фаровонлиги — партия сиёсатининг олий мақсади», «Депутат — халқнинг Советлардаги мухтор вакили» ва бошқа темаларда лекция ва суҳбат ўтказмоқдалар.

А. ҲАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

---

ЭНГ МУҲИМИ — МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ

## 1987 ЙИЛ ҲИСОБИГА

● Бухоро тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг Назира Раупова бошлиқ бригада аъзолари қувончли натижани қўлга киритишди. Беш йилликнинг тўртинчи йилида меҳнат унумдорлиги бўйича топшириқ социалистик мажбуриятларда кўзда тутилганидек, бир процент эмас, 10 процентга ошириб бажарилди. Бу билан пешқадам коллектив йиллик маррани барвақт эгаллади.

Бригада зафарида тикувчи Ҳафиза Бозорованинг ҳиссаси катта. У смена топшириқларини икки баравар ошириб бажармоқда. Ишлаб чиқариш жараёнларини пухта ўзлаштириб олган ишчи ёш тикувчиларга касб маҳоратини ўргатаётир. Ҳ. Бозорованинг дугонаси Бибиражаб Солиқова ҳам 1987 йил ҳисобига маҳсулот тайёрламоқда.

---

# ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

## СОЦИАЛИЗМ ОДИМЛАРИ

### ● РЕКОРД КЎРСАТКИЧ

ПРАГА. Чехословакиянинг кўмир саноати йиллик планни муддатидан илгари бажарди. Янги йилгача мамлакатда 126 миллион тонна кўмир қазиб олинади. Бу — ЧССР кўмир саноати тарихида рекорд кўрсаткичдир.

Кўмирнинг бу запаси энергетика ва саноатни узлуксиз таъминлаш ва қиш мавсуми учун зарур ёқилғини ғамлаб қўйиш учун етарлидир. Совет Армияси Чехословакияни озод этганлигининг 40 йиллиги шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақа кенг авж олдирилганлиги, шунингдек кўмир қазиб олиш соҳасида совет методларининг қўлланилганлиги йиллик топшириқни ошириб адо этишда асосий роль ўйнади.

### ● МУДДАТИДАН ОЛДИН

БУДАПЕШТ. Венгрия енгил саноатининг энг йирик корхоналаридан бири — Залаэгерсег шаҳридаги тикувчилик фабрикасининг коллективи йиллик ишлаб чиқариш топшириғини муддатидан барвақт бажарди. Корхона ходимлари ўтган ойлар мобайнида 716,6 миллион форинтлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Бу — ўтган йилдагидан анча кўпдир. Бу фабрика маркаси қўйилган эркаклар костюмлари, пиджаклари ва пальтолари Венгриядагина эмас, бошқа социалистик мамлакатларда ҳам манзур бўлмоқда. Совет Иттифоқи корхонанинг энг катта мижозидир. Фабрика коллективи Венгрия озод этилганлигининг 40 йиллигини ва ВСИП XIII съездини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган мусобақага фаол қўшилиб, йилнинг қолган кунлари мобайнида пландан ташқари яна қарийб 20 минг форинтлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олди.

### ● ЭНЕРГЕТИКА РИВОЖЛАНМОҚДА

БРАТИСЛАВА. Атом электр станцияларини қуриш — келгуси даврда Чехословакия энергетикасини ривожлантиришнинг асосий йўлидир. Ясловске-Богуницедаги атом электр станцияси қурувчилари ва монтажчилари партия ва хўжалик активининг Словакиядаги Пьештяни шаҳрида бўлиб ўтган йиғилиши қатнашчилари шу ҳақда гапирдилар. Йиғилиш станциянинг қуввати 440 меговатт келадиган биринчи энергетика блокининг ишга туширилишига бағишланди. ЧССР ёқилғи саноати ва энергетика министри В. Эренбергернинг, сўзга чиққан бошқа нотиқларнинг нутқларида социализм қурилиши манфаатлари йўлида тинч атом энергиясидан фойдаланишда Совет Иттифоқи ҳал қилувчи роль ўйнаётганлиги таъкидланди.

Учрашув иштирокчилари биринчи энергетика блоки йил охиригача 700 миллион киловатт-соат электр энергия ҳосил қилажагини айтдилар. Улар станциянинг иккинчи блокини 1985 йилнинг сентябрида синаб кўриш учун топшириш мажбуриятини олдилар.

### ● КАТТА ЮТУҚЛАР

УЛАН-БАТОР. Монголия кончилари ўз профессионал байрами — шахтёрлар кунини ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришиш билан кутиб олдилар. Улар оширилган социалистик мажбуриятларини бажара бориб, пландан ташқари юз минглаб тонна «қора олтин» қазиб чиқардилар, тармоқдаги кўпгина илғор коллективлар ҳозирдаёқ еттинчи беш йилликнинг якунловчи йили ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

Революциягача Монголияда атиги биттагина шахта ишлар эди. Шу шахтада ғоят оғир шароитда ишлаган бир неча ўнлаб киши қўл билан икки минг тоннадан ҳам камроқ кўмир қазиб чиқарар эди. Бугунги кунда эса кўмир саноати республика халқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бирига айланди. Ҳозирги вақтда МХР территориясида ёқилғи шу қимматли турининг 160 дан кўпроқ перспектив конлари аниқланди. Унинг запаслари 17 миллиард тоннага боради.

Миллий экономиканинг кўмирга бўлган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ таъминлашда Монголиянинг Совет Иттифоқи билан ҳамкорлиги катта аҳамият касб этмоқда. СССРнинг ёрдами билан республикада мавжуд бир қанча қувватлар реконструкция қилинмоқда ва кенгайтирилмоқда, Шарин-Гол ва Адунчулундаги кўмир разрезлари сингари энг катта объектлари қурилди. Бугунги кунда мамлакатда қазиб олинаётган бутун кўмирнинг 80 процентидан ҳам кўпроғи Советлар мамлакатининг техникавий кўмаги билан қурилган корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

(ТАСС).

## АҚШНИНГ АГРЕССИВ СИЁСАТИ ҚОРАЛАНДИ

Ф. КАСТРОНИНГ АЙТГАНЛАРИ

БОНН. (ТАСС). Куба Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, республика Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси Фидель Кастро АҚШнинг Никарагуага ва Марказий Америкадаги бошқа мамлакатларга нисбатан агрессив сиёсатини қоралади.

Ф. Кастро Ғарбий Германияда чиқадиган «Штерн» журнали мухбири билан суҳбатда регион муаммолари «Контадор группаси» ишлаб чиққан план асосида тинч йўл билан ҳал этилиши керак, деган қатъий фикрни билдирди. Бироқ деди у, Қўшма Штатлар бунга тўсқинлик қилмоқда, у Никарагуага Сандиночилар революциясини тугатишни, Сальвадордаги революционерларни йўқ қилишни истамоқда. Никарагуаликларнинг Сальвадорда революцион ҳаракатни қўллаб-қувватлашларига йўл қўймаслик учун Никарагуага қарши ҳуружлар қилинмоқда, деган даъволар мутлақо ёлғондир, деб таъкидлади Куба раҳбари. Рейган ҳукумати билан Марказий разведка бошқармасининг муддаоси тинчликка ёки лоақал фақат ярашга бўлган барча имкониятларни йўққа чиқаришдан иборатдир. АҚШ ҳақиқатан ҳам тинч ҳал этиш йўлларини қидириб топишга тайёр бўлганида эди, ҳеч қандай қийинчиликлар бўлмасди.

Никарагуа, деб уқтирди сўнгра Ф. Кастро, иқтисодий тараққиётга ва социал ислоҳотларни амалга оширишга интилмоқда. Революцион ҳаракатлар, жумладан Сальвадор революцион ҳаракати озодлик ва миллий мустақилликни истайди. Ҳозир Лотин Америкасида социализм эмас, балки миллий озодлик кун тартибида турибди.

АҚШ ўз мамлакатларининг манфаатларини ҳимоя қилувчи мустақил ҳукуматлар бўлишини истамайди. Ҳозир АҚШ Марказий Америкадаги проблемалар учун масъулиятни Куба билан СССР зиммасига юклашга уринмоқда. Ваҳолонки АҚШ шу асрнинг бошларидаёқ Кубага, Доминикана республикасига, Гаитига бостириб кирган эди. Кейинги 50 йил мобайнида АҚШ ҳарбий ҳукуматларга ва сотқин мустабидларга ёрдам бериб, шу тариқа қашшоқликни ва ривожланишнинг паст даражада қолишини сақлаб келмоқда. Уни мактаблар, соғлиқни сақлаш, иқтисодий тараққиёт ҳеч қачон қизиқтирган эмас. Ҳозир АҚШ Марказий Америкада революциянинг ғалаба қозонишига йўл қўймаслик учунгина «тараққиёт», «ислоҳотлар», «демократия» тўғрисида сўз юритмоқда. У айни шунинг учун Гренадага бостириб кирди.

Куба раҳбарининг фикрича, Америка қўшинларининг Никарагуага қарши қиладиган ваҳшиёна агрессияси қаҳр ғазаб тўлқинини шу қадар кучайтириб юборар эдики, бу агрессияни оқламоқ учун Қўшма Штатларга жуда кўп вақт керак бўлур эди. Бундан ташқари, агрессия Никарагуада қаҳрамонона қаршиликка дуч келиб, АҚШ учун Марказий Америкадаги ўзига хос Вьетнамга айланиб қолур эди.

Ф. Кастро сўнгра Кубадаги аҳволга, унинг мудофаага тайёргарлик кўраётганлигига тўхталиб ўтди. Биз ўз ҳимоямизни таъминлаш учун маънавий, иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий жиҳатлардан етарли даражада кучлимиз деди у. Биз ҳеч қачон ўзимизга мадад бериш тўғрисидаги мажбуриятларга умид боғлаб қолган эмасмиз. Биз бостириб киришга зарба бериш, агрессорни чекинишга мажбур қилиш, унга катта-катта талафотлар етказиш қобилиятимизга ишонамиз.

Революция билан ёнма-ён яшаш зарурлигига Қўшма Штатлар қачон бўлмасин кўникишга тўғри келади, чунки революция — реалликдир, деб таъкидлади Куба раҳбари.

## САМАРАЛИ АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН

АНҚАРА. (ТАСС). Туркия республикаси Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан самарали алоқаларни ривожлантиришга астойдил интилмоқда, деди Туркия бош министри Т. Озал.

Туркия ҳукуматининг бошлиғи бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида сўзга чиқиб, Туркиянинг социалистик мамлакатлар билан, ва аввало, Совет Иттифоқи билан муносабатлари ҳамжиҳатлик ва яхши қўшничилик принциплари асосига қурилаётганлигини таъкидлади. Туркия ҳукумати, деди у, шу давлатлар билан савдо-сотиқни кенгайтиришга қаратилган бир қанча тадбирларни кўрди. Натижада, иқтисодий ва савдо алоқалари сезиларли равишда жонланди, икки томонлама мулоқотлар бирмунча мунтазам тус олди.

## БАМИСОЛИ УЧИНЧИ РЕЙХ ЗАМОНИДЕК

БОНН. **ТАСС мухбири В. Серов хабар қилади:** «Германия — ҳаммадан устун!» деган сўзлар бутун газета саҳифасига чўзилган сарлавҳага йирик ҳарфлар билан терилган. Унинг остида Гитлернинг ўринбосари Рудольф Гесс портретига кўзингиз тушади. Бир қарашда кимдир бизга қирқ йил аввалги нацистлар газетасининг тасодифан сақлаб қолинган нусхасини келтиргандек туюлади. Йўқ, ундай эмас, почта ТАСС бўлимига «Дойчер анцайгер» ҳафталигининг мутлақо янги сонини келтирган. «Дойче националцайтунг» газетаси каби бу ҳафталикни ҳам янги фашистларнинг «Немис халқ иттифоқи» ташкилоти бошлиғи Герхард Фрей Мюнхенда нашр этмоқда.

ГФРдаги деярли ҳар бир газета дўконида сотиладиган очиқдан очиқ фашизм руҳидаги шу нашрларнинг характерини билай десангиз унда босилган материалларга бир назар ташлаш кифоя. Гитлерчилар рейхидаги иккинчи амалдорнинг портрети остига: «Гесс озод қилинсин!» деган даъват ёзилган. Нюрнбергдаги халқаро ҳарбий трибунал томонидан умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган бу нацист жиноятчи гўё ҳеч қачон тинчликдан бошқа ҳеч нимани хаёлига ҳам келтирмаган «жафокаш» деб тасвирланади.

Гитлерчилар миллион-миллион гуноҳсиз кишиларни оммавий равишда қирғин қилганлигидан иборат ҳаммага маълум факт шубҳа остида қолдириладиган мақолага «Иккинчи жаҳон уруши вақтида немислар қилган жиноятлар — уйдирмадир» деган сарлавҳа қўйилган. Фашистларнинг бояги варақаси шу фактларга қарама-қарши ўлароқ, реваншчилар билан жўр овоз бўлиб, гўё «иттифоқчилар немисларга нисбатан қилган жиноятлар» тўғрисидаги уйдирмаларни зўр бериб тарқатмоқда ва Европа халқлари фашизмдан озод қилинганлигининг 40 йиллиги нишонланадиган 1985 йилда «шу жиноятларни эслатиш» учун баҳона сифатида фойдаланишни тавсия қилади.

Фрей ҳафталиги янги йилга ўз ўқувчиларига бир талай «совға» таклиф қилмоқда. Улар орасида «1985 йилги немис календари» бор. Уни Германия милитаризми ва нацизмига тўқилган чинакам мадҳия деса бўлади. Бунинг айрим саҳифалари нацистларнинг пешволари — Гесс ва Деницга, ашаддий фашист Руделга ва президент Гинденбургга, Вермахтнинг «жасоратларига» бағишланган. Календарда босилган «Германия харитасига», «Ғарбдаги Страсбург ва Шарқдаги «Бреславль» киритилган. Шу шаҳарлар гўё ҳозир «келгиндилар ҳукмронлиги остида» турибди, деб талқин этилган. Газетада Советларга қарши ва коммунизмга қарши ошкора фашизм руҳидаги юзлаб китоблар «антиқа янги йил туҳфалари» тариқасида кўз-кўз қилинади.

ГФРнинг ҳукмрон доиралари ўнгга «маънавий бурилиш» ясаган муҳитда баҳузур иш кўраётган янги фашистлар ўзларининг хатарли ташвиқотларини бемалол ўтказмоқдалар. «Дойчер анцайгер» ҳафталигининг далолат беришича, кейинги йилларда Фрей бошчилигидаги «Немис халқ иттифоқи»нинг сони жуда кўпайган, бу эса кўп жиҳатдан фашистлар корчалонлик қилаётган матбуот фаолиятининг натижасидир.

